

Хом саримсоқни еб олиб, масжидга борса...



13:00 / 27.12.2020 3253

مَلَسُو هِيَ لَعْلَلِ اِي لَصْرَه لَلِ اُلْ اُسْرَرَلِ اِقْ : اَلْ اِقْفِمُ وُثِلِ اِنْعُسْنُ اَلْ اِسْو
مَلْسُومِ اُمّه اَوْر. اِنْعَمِ يِلْ صُيْ اَلْو اِنْبَرْقِيْ اَلْفِرَجِّ شَلْ اِهْدَهْ نَمَلَكْ اُنْمُ

«Анас розияллоҳу анҳудан саримсоқ пиёз ҳақида сўралди. Бас, у киши:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ушбу экиндан еса, бизга яқин келмасин ва биз билан намоз ўқимасин», деганлар», деди».

Муслим ривоят қилган.

Шарҳ: Бу ерда гап саримсоқ пиёзни хом ҳолида ейиш тўғрисида бормоқда. Уни хом ҳолида еган одамдан ноқулай ҳид келиб туриши ҳаммага маълум. Киши хом саримсоқни еб олиб, масжидга борса, ўзидаги нохуш ҳид билан

ҳаммага озор беради. Шу боисдан Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисни айтганлар.

Бинобарин, саримсоқ пиёздан бошқа нарса туфайли ундан озор ҳосил бўлса ҳам, у нарса ман қилинган бўлади. Муслмон киши масжидга озода, хушбўй бўлиб бориши керак.

«Ҳадис ва ҳаёт» китобидан